

ҚАРАҚАЛПАҚСТАН РЕСПУБЛИКАСЫ
ДЕН САҰЛЫҚТЫ САҚЛАҰ МИНИСТРИ

А. Аманжол
Б. Қорқосымов, О. Рахмонов
С. Мадридиев

Орталық денсаулық сақтау

Орынлау мөддети 1 шер

 Қ.Ж.КАМАЛОВ

№12/

«05» Январь 2023-жыл



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI SOG'LIQNI SAQLASH VAZIRLIGI
MINISTRY OF HEALTH OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN

100011, Toshkent sh. Navoiy ko'chirasi, 4. tel.: (998 71) 241-08-96, 241-68-96.
www.sog.uz, e-mail: info@sog.uz, sag@sog.uz

2022 йил "29" декабрь

10-41574 - сон

Коракалпоғистон Республикаси
Соғлиқни сақлаш вазири

Тошкент шаҳар ва вилоятлар соғлиқни
сақлаш бошқармалари бошлиқларига

Бугунги кунда болалар орасида ўткир респиратор касалликлар тез-тез учраётганиги ва асоратланётганигини инобатга олиб, куйидагиларни амалга ошириш талаб этилади:

1. Тез тиббий ёрдам тизимига ва амбулатор-поликлиника муассасаларига иситмаланган болалар бўйича чакирув ва муրожатлар бўлган ҳолатларда болани тезкор стационарга етказиш ва кўрсатмага кўра госпитализация қилиш;
2. Амбулатор-поликлиника муассасаларида "онлайн патронаж" тизимини тиклаш, бунда 6 ёшгача болалар саломатлигидан бевосита ва биливосита хабар олиш, ҳар қандай ўткир касаллик белгилари бор болаларга шифокорнинг тезкор кўригини ташкиллаштириш;
3. Даволаш-профилактика муассасалари, маҳалла, қорхоналарда, оммавий ахборот воситалари ва ижтимоий тармоқларда аҳоли орасида болаларни шифокор тавсиясиз ўзошимчалик билан даволамаслик, ҳар қандай сиропли дори воситаларини болаларга бермаслик, "Општах" фирмасининг сироп препаратларини вақтинча (вазирга аниқлик киритилгунча) қабул қилмаслик юзасидан тушунтириш ишларини ва тарғибот тадбирларини ўтказиш;
4. Шифохонлага мурожат қилган барча болалардан туғлиқ анамнез йиғиш (касаллиқнинг бошланган даври, қабул қилган дорилари, мурожат қилган муассасалари ва натижалари);

тасдиқланган стандарт ва клиник протоколларга асосан катъий назорат ва даволаш чораларини кўриш;

Бемор болаларнинг динамика ҳолати ва кўрилаётган чоралар туғрисида ота-оналарини хабардор қилиш;

ҳар бир бола учун худудий ва республика муассасалари мутахассисларини жалб қилган ҳолда консилдумларни ташкиллаштириш;

5. **Док-1 Макс** дорисини истеъмол қилган болалар аниқланганда, экспертиза ўтказиш учун ушбу дорини хонадондан олиш ва муассаса бош шифокорига тақдим қилиш;

6. 6 ёшгача бўлган болаларга тез тиббий ёрдам хизматига чакирувлар ҳамда фаол патронажни амалга ошириш туғрисидаги маълумотлар ҳар куни соат 19.00. га ва 9.00. га қадар республика штбдининг +99897 705 00 30 телефон номери орқали тақдим этиш чораларини кўрсин.


Белгиланган вазифаларни ўз вақтида ва сифатли ташкиллаштириш ҳамда маълумотларни ўз вақтида тақдим қилинишига биринчи раҳбарнинг масъуллигини эслатиб ўтамыз.

Вазир ўринбосари



Э.Баситханова

Икромов Р.Абдураҳмонов
ID: 1919791
Сана: 29.12.2022





230105, Nukus shahri, I.Karimov k., 152-uy
Tel: (998-61) 226-00-48, fax: 226-00-58,
e-mail: info.mz.rk@ssv.uz

230105, Nókis qalasi, I.Karimov k., 152-jay
Tel: (998-61) 226-00-48, fax: 226-00-58,
e-mail: info.mz.rk@ssv.uz

2022 yil 29 XII
03/15989

Республика даволаш профилактика
муассасалари раҳбарларига,

Нукус шаҳар ва барча туман тиббиёт
бирлашмалари раҳбарларига

ТОПШИРИҚ ХАТИ

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2022 йил 29 декабрь кунги 10-41574-сонли топшириқ хати ижросини таъминлаш мақсадида, яъни, бугунги кунда болалар орасида ўткир респиратор касалликлар тез-тез учраётганлиги ва асоратланаётганлигини инобатга олиб, қуйидагиларни амалга ошириш талаб этилади:

1. Тез тиббий ёрдам тизими ва амбулатор-поликлиника муассасаларига иситмалаган болалар бўйича чақирув ва мурожаатлар бўлган ҳолатларда болани тезкор стационарга ётқизиш ва кўрсатмага кўра госпитализация қилиш;
2. Амбулатор-поликлиника муассасаларида “онлайн патронаж” тизимини тиклаш, бунда 6 ёшгача болалар саломатлигидан бевосита ва билвосита хабар олиш, ҳар қандай ўткир касаллик белгилари бор болаларга шифокорнинг тезкор кўригини ташкиллаштириш;
3. Даволаш-профилактика муассасалари, маҳалла, корхоналарда, оммавий ахборот воситалари ва ижтимоий тармоқларда аҳоли орасида болаларни шифокор тавсиясисиз ўзбошимчалик билан даволамаслик, ҳар қандай сиропли дори воситаларини болаларга бермаслик, “Quramax” фирмасининг сироп препаратларини вақтинча (вазиятга аниқлик киритилгунча) қабул қилмаслик юзасидан тушунтириш ишларини ва тарғибот тадбирларини ўтказиш;
4. Шифохонага мурожаат қилган барча болалардан тўлиқ анамнез йиғиш (касалликнинг бошланган даври, қабул қилган дорилари, мурожаат қилган муассасалари ва натижалари); тасдиқланган стандарт ва клиник протоколларга асосан қатъий назорат ва даволаш чораларини кўриш; бемор болаларнинг динамик ҳолати ва кўрилаётган чоралар тўғрисида оналарини хабардор қилиш; ҳар бир бола учун худудий ва республика муассасалари мутахассисларини жалб қилган ҳолда консилиумларни ташкиллаштириш;

5. Док-1 Макс дорисини истеъмол қилган болалар аниқланганда, экспертиза ўтказиш учун ушбу дорини хонадондан олиш ва муассаса бош шифокорига тақдим қилиш;

6. 6 ёшгача бўлган болаларга тез тиббий ёрдам хизматига чақирувлар ҳамда фаол патронажни амалга ошириш тўғрисидаги маълумотлар ҳар куни соат 19.00 га ва 9.00 га қадар республика штабининг +998612228693 телефон номери орқали тақдим этиш чораларини кўрсин.

Белгилайган вазифаларни ўз вақтида ва сифатли ташкиллаштириш ҳамда маълумотларни ўз вақтида тақдим қилинишига биринчи раҳбарнинг масъуллигини эслатиб ўтамыз.

Вазир ўринбосари:



А.Асқаров